

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 18 октябрь, № 206 (4359)

Пайшанба


# ФИДОЙИ ФЕРМЕР, МЕҲРИБОН ОНА

*Замонамиз қаҳрамонлари*



***Халчахон опанинг ҳаёт йўлига назар ташлаган кишининг тасаввурида «Унинг суяги далада қотган экан», деган фикр жонланади. Аслида ҳам шундай. Бундан қирқ икки йил аввал мақтабни тамомлаш чоғида, олий маълумот истагидаги дугоналари катта шаҳарга етаклаганларида, тихирлик қилиб, онаси ортидан ғўза чопиғига йўл олганидаёқ тақдири деҳқончилик билан боғланиб қолганди. У пайтда техника кам, бутун куч колхозчилар зиммасига тушарди. Ягана, чопиқ қилиш жараёнларида кетмон дастасини тутган қўллари қавариб кетганига қарамай, меҳнатдан қочмади. Зарур бўлганда, сувчилик ҳам қилди. Ҳар юмушга елка тутиб, тўғри қилган экан. Бригадир сифатида ўн тўққиз йил кичик жамоани бошқарди.***



— Режа-топшириқни бажарайлик, дея тиним билмай ишлардик, — хотирлайди опа. — «Ўзингни ўлдир, планни тўлдир» мазмунидаги ёзилмаган шиор туғилган эди у пайтларда. Ёмон томони, бригадирлик ҳам, агрономлик ҳам, раислик ҳам омонатдай гап бўлган. Боиси, дала айланиб юрган раҳбарга бирон ишингиз маъқул келмаса, кечқурун диконглатиб райкомга етаклаб боришарди. Қараб турибсизки, вазифангиздан бўшатилиб, партбилетни топшириб турибсиз-да. Ана, сизга инсон қадри!..

Юртимизга ҳаётбахш шаббода мисоли кириб келган истиқлол туфайли миллионлар қаторида Халчахон опанинг ҳаётида ҳам бундай кунлар ортда қолди. Президентимиз ташаббуси билан ерни чинакам эгаларига бериш мақсадида фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши тақдирини деҳқончилик билан боғлаган кўплаб тажриба эгалари каби унга ҳам имконият эшикларини очди. Ўзи ишлаган бош пудрат ҳудудидан ер олиб, фермер хўжалигини ташкил этди.

— Экинзорларимизнинг баланд-пасти беш қўлдай маълум, — дея сўзида давом этади у. — Бир оз тошлоқ, сувталаблигини ҳисобга олмаса, унумдорлиги ёмон эмас. Юракдан чиқариб

(Давоми 2-бетда).

*17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Абдуллаева учинчи ўқишда муҳокамага киритилган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини баён қилдилар. Муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Собиржонов «Инвестициялаш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Моддама-модда муҳокама чоғида ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш учун муҳим эканлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси З. Убайдуллаев «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида депутатлар ушбу ҳужжат халқаро муносабатларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси 23 октябрь куни давом эттирилади.

(ЎзА)

## ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

***Пойтахтимизда "Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси" мавзуида илмий-амалий анжуман бошланди.***

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Тошкент фармацевтика институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, фармацевтика саноати корхоналари ходимлари билан бирга Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ҳам мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, маҳаллий хом ашё асосида самарали шифо воситалари ишлаб чиқариш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Ўз йўналиши бўйича минтақамизда етакчи ўринда турадиган Тошкент фармацевтика институтида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Таълимнинг мазмун ва моҳиятини тубдан такомиллаштириш ва жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш мақсадида янги стандартлар, дарслик, дастур ва услубий қўлланмалар, уларнинг электрон версиялари яратилди. Фармацевтика соҳаси ривожига хизмат қиладиган саноат фармацияси, биотехнология, касбий таълим, космецевтика, клиник фармация сингари янги йўналишлар шаклланди. Институт олимлари бу жараёнда тегишли олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари, саноат корхоналари, хориждаги нуфузли фармацевтика компаниялари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Олимларимиз маҳаллий хом ашё асосида замонавий дори воситалари яратиш ва уларни амалда татбиқ этиш борасида кенг кўламли ишларни бажармоқда. Бу борада бугунги кун фармацевтикасининг устувор йўналиши — инсон учун зарарсиз табиий шифо воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Институт олимларининг бу борадаги илмий изланишлари самараси ўлароқ, саминчўп ва чилонжийдадан олинган дамламадан тиббиёт амалиётида кенг фойдаланилмоқда. Айни пайтда кўз ва асаб касалликларини

(Давоми 2-бетда).

***Пойтахтимиздаги «Радиссон Сас Тошкент» меҳмонхонасида "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан эълон қилинган "Йил аёли" миллий танловининг Тошкент шаҳар саралаш босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

## «Йил аёли» аниқланмоқда

Мазкур танлов шу йилнинг июль ойида эълон қилиниб, қисқа муддат ичида унда биргина Тошкент шаҳридан 700 га яқин хотин-қиз қатнашди.

— Юртимиз аёллари жуда иболи, ҳаёли, — дейди биз билан суҳбатда «Аёллар Кенгаши» жамоат бирлашмаси матбуот хизмати ходими Шаҳзода Абдураимова. — Уларда, ҳақиқатан ҳам, бетакрор Шарқ аёлининг қиёфасини кўришимиз мумкин. Мазкур танлов ҳам аёлларимизнинг меҳрибон она, қўли ширин пазанда ва ораста уй бекаси эканликларини яна бир карра намоён этди.

Танлов натижасига кўра ғолиб деб топилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори Ниҳолахон Тўлаганова энди танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлди. Тадбирда муваффақиятли иштирок этган бир гуруҳ совриндорлар ҳам диплом ва совғалар билан тақдирландилар.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Кеча пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Қурилиш. Қурилиш техникаси ва материаллари — Expo Construction 2007" тўртинчи халқаро кўргазмаси иш бошлади.***



## УЙ ҚУРСАК, ШИНАМ ВА КЎРКАМ БЎЛСИН!

Кўргазма

У Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва республика Савдо-саноат палатасининг расмий қўмагида "Zar Expo" кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан одамларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, фуқароларнинг уй-жойни мулк қилиб сотиб олишга бўлган ижтимоий кафолатлари ва ҳуқуқларини кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрку жамоли тобора очилаётганини таъкидладилар. Тошкентда тўртинчи марта ташкил этилган мазкур кўргазма эса ҳамюртларимизнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда Германия, Россия, Швеция, Туркия, Швейцария, Польша ҳамда мамлакатимизнинг 50 дан зиёд етакчи компания ва фирмалари ўз маҳсулот намуналари ва хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этаётгани ҳам анъанавий кўргазма нуфузи ошаётганидан дарак беради. Кўргазма павильонларидан жой олган ранг-баранг қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, турли техникалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Пойтахтингизда ташкил этилаётган кўргазмаларда доимий қатнашиб келаяпман, — дейди Россиянинг "Teplo import" компаниясининг мамлакатимиздаги шуъба корхонаси менежери Марина Ионова. — Бу ўзбекистонлик ишбилармон доиралар билан ҳамкорлигимизни йилдан-йилга мустаҳкамламоқда.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 17 октябрь куни "Ипак йўли туризми" XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси очилди.***

"Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари, олим ва экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманнинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳалар сингари сайёҳлик соҳаси ҳам изчил ривожланаётгани, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз ўзининг ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданият ва анъаналари ҳамда ўзига хос гўзал табиати билан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб қилаётгани қайд этилди. Бунда мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмаси йил сайин такомиллашиб, спорт, маданият, экология ва тарих билан боғлиқ туризм каби янги тармоқлар ривожланмоқда. Юртимизда янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилиб, кўплаб замонавий меҳмонхоналар қурилгани, мавжуд йўллар таъмирланиб, кенгайтирилгани, янгилари барпо этилгани соҳа ривожига ижобий таъсир этмоқда.

"Ипак йўли туризми" XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан мақсад мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятини тўла юзага чиқариш, жаҳон жамоатчилигини юртимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш ҳамда хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Шу боис, ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошмоқда. 2006 йилда анжуманда йигирмага яқин мамлакатдан қарийб олтмиш сайёҳлик ташкилоти қатнашган бўлса, бу йилги ярмаркада Россия, Испания, Греция, Чехия, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия, Эрон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби ўттизга яқин мамлакатдан қарийб саксон фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

— Ўзбекистоннинг «Буюк Ипак йўлидаги дурдона» деб аталиши бежиз эмас, — дейди Индонезиянинг "Bali Partners Tours and Travel" компанияси вакили Руру Виксаксоно. — Кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга мамлакатингиз жаҳон сайёҳлик бозорида тобора катта обрў қозонмоқда. Биз бир неча йиллардан буён Ўзбекистон билан фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган мазкур ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар,

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши***

**45 фоиздан ошди.**

Мустақиллик йилларида уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани, айниқса, бозорларимизни зарур товарлар ҳамда хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлашга доир муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорлик субъектлари жадал ривожлантирилгани бунга имкон берди.

## АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА МЕТРОЛОГИЯ

***Тошкентда "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини метрологик таъминлаш — алоқа хизматлари сифатини оширишнинг асосий йўлларидан бири" мавзуида халқаро илмий-техник семинар бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Москва Алоқа ва информатика техника университети томонидан ташкил этилди.

Семинарда мамлакатимиз ва хорижий илмий ташкилотлар, метрологик таъминот ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги компаниялар ва ишлаб чиқарувчи фирмалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад республикамиз ва бошқа мамлакатларда метрологлар ҳамда метрология хизматлари мутахассислари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги истиқболли муносабатларни ўрнатиш ҳамда кенгайтиришдан иборат.

Ялпи йиғилишларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчаш бирлигини таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш йўллари, сифат менежменти тизимини жорий этиш, мутахассисларни тайёрлаш учун виртуал ўлчов приборларини қўллаш, янги авлод тармоқларига ўтиш шароитида телекоммуникация соҳасини метрологик таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, ахборот-коммуникация технологияларининг ўлчов воситаларини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Семинарда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А. Хўжаев, "Ўзстандарт" агентлиги бош метрологи Т. Абдуллаев, Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази базавий метрология хизмати бошлиғи Д. Меркулов, Москва Алоқа ва информатика техника университети вакили Е. Баловленков ва бошқалар шу ҳақида гапирди.

Ушбу семинар ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш тизимини жадал жорий этиш, бу борадаги илғор тажрибани ўрганиш, ўзаро фойдали илмий ва амалий алоқаларни йўлга қўйишга ёрдам беради.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси

(Давоми. Боши 1-бетда).

даволашда яхши самара берадиган бир нечта табиий гиёҳларни маҳаллий шароитда етиштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган изланишлар давом эттирилмоқда.

Икки кун давом этадиган анжуманда ахборот-коммуникация технологиялари ва фармацевтика таълими, янги дори воситаларини яратиш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш, саноат фармацияси ва клиник фармакология истиқболларига бағишланган маърузалар тингланади. Фармацевт мутахассислар тайёрлаш, илм-фан ютуқларидан амалда янада кенгроқ фойдаланиш, жаҳон тиббиётининг бу борадаги илғор тажрибаларини ўзлаштириш билан боғлиқ вазифалар хусусида фикрлашилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Сара навлар бор

***«Оқтошдон» акциядорлик жамиятига қарашли Зирабулоқ уруғчилик цехида бу йил 14 турда уруғлик тайёрланди. Улар орасида кўплаб янги навлар ҳам борки, ғаллачилигимиз истиқболига хизмат қилиши, шубҳасиз.***

■ — Ғаллакорларимизга маҳаллий навлар билан бир қаторда Россиядан келтирилган «Восторг», «Нота», «Таня» каби янги навларни ҳам етказиб беришни йўлга қўйдик, — дейди цех бошлиғи Нурулла Жўраев. — Ўзимизнинг «Замин-1» ва «Бобур» навларимиз ҳам ҳосилдорлиги жиҳатидан улардан қолишмайди. Аҳамиятлиси, бу йил уруғлик ғалламизга талаб катта. Ҳозиргача вилоятимиз туманларидан ташқари сурхондарёлик ва жиззахлик ғаллакорларга ҳам 2 минг тонна сара уруғлик тайёрлаб берилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Болажонларга аталган туҳфа

***Кам таъминланган оила фарзандларига меҳр кўрсатиш, кўнгли кемтикларни қўллаб-қувватлаш — халқимизнинг эзгу хислатларидан бири.***



■ Шу маънода, «Ўзавтосаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар, тадбиркору саховатпеша инсонлар уйларида ўқиб, савод чиқараётган ногирон болаларга ҳомийлик кўрсатишни ўз зиммаларига олдилар. Улар Асака шаҳридаги ногирон болалардан беш нафарига «Пентиум-4» компьютер жамланмасини совға қилишди. Уларга компьютер саводхонлигидан сабоқ берувчи мутахассислар ҳам биркитилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Иш ўрни кўпаймоқда

***Жиззах вилоятида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 23941 та янги иш ўрни яратилди.***

■ Бунга, асосан, тадбиркорликни ривожлантириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига эришилди. Сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда бозор инфратузилмасини фаоллаштириш, уй меҳнатини ташкил қилиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эвазига 13,5 минг нафарга яқин фуқаро ишга жойлашгани эътиборга моликдир.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ғамхўрлик оғушида

***«Ортопедик реабилитация» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг Тошкент вилоятидаги қатор саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорликдаги изланишлари муваффақиятли якунланди.***

■ Натижада яқин-яқингача бюджет маблағлари ҳисобига чет эллардан олиб келинган протез-ортопедия буюмларининг ўнлаб турларини ўз юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди. Энг муҳими, корхона ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ишлаб чиқарилаётган, юқори сифатли бу маҳсулотлар таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бор кишиларга имтиёзли равишда етказиб берилмоқда. Бундай қулайликлардан ҳозирга қадар ўн мингдан зиёд ногирон баҳраманд бўлди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тангимуш чирой очмоқда

*■ Бойсун туманидаги Тангимуш қишлоғида янги маҳалла идораси ва милиция таянч пункти учун маъмурий бино қурилмоқда. Қурилиш ишлари маҳалла фуқароларининг хайрия маблағлари эвазига ҳашар йўли билан амалга оширилаётир. Ҳозиргача қурилишга 6 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.*

*— Бунёдкорлик ишларининг тез ва сифатли бажарилишида халқимизнинг саховатпешалиги қўл келмоқда, — дейди маҳалла раиси Нормамат Ботиров.*

**Саид МАЛИКОВ.**

## «Шифо» — пахтакорга мададкор

***Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида «Шифо» хусусий даволаш маркази ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Шу давр ичида шифокорлар мингдан ортиқ бемор дардига малҳам топишди.***

■ Йигирма беш ўринли мазкур даволаш муассасасида малакали терапевт, гинеколог, невропатолог, педиатрия хизматлари йўлга қўйилган. Шунингдек, физиотерапия ва уқалаш муолажалари ёрдамида беморлардаги фалаж асоратлари, бел умуртқаси остеохандрози, хафақон ва асаб тизими касалликлари самарали даволанмоқда. Фитобарда турли доривор гиёҳлардан шифобахш дамламалар тайёрланади.

Пахта йиғим-терими давом этаётган айни кунларда ушбу шифохона ходимлари пахтакорларга хизмат кўрсатмоқда.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**



***Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президент Девонининг мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига давлатимизни тараққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида эътибор берилаётганини алоҳида қайд этди. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида соҳа ривожи давлатимизнинг диққат марказида бўлди. Қамчиқ довонидан ўтадиган тезкор автомобиль йўли, “Навоий — Нукус”, “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўл магистраллари соҳада эришилган ютуқлар салмоғини ифодалайди, десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, халқаро аҳамиятга эга йўллар мунтазам таъмирланиб, жаҳон стандартлари даражасида сақланмоқда.***

# ЙЎЛЛАР ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юртимизнинг жуғрофий жойлашуви азалдан Мағриб ва Машриқ халқлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Хитойдан то Римга қадар чўзилган Буюк Ипак йўли икки тамаддунни бир-бирига боғлаб, кишилик жамияти равнақига катта ҳисса қўшган. Истиқлол йилларида мана шу буюк йўл аҳамиятини янада ошириш, унинг халқаро алоқалар ривожидаги нуфузини таъминлаш учун улкан ишлар амалга оширилди. Наинки бунёдкорлик, балки йўлсозликка дахлдор қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Соҳанинг бундан кейинги равнақи нафақат минг йиллик анъаналар тимсоли сифатида, балки бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ўлароқ модернизация қилинаётир. Хабарингиз бор, яқинда “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланиб, Президентимиз томонидан имзоланди ва матбуотда эълон қилинди.

Қонун автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилди. Айтиш жоизки, бултур Президентимизнинг “2007-2010 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори қабул қилинган эди. Айни шу ҳужжат ижроси тегишли давлат муассасалари зиммасига юкланиб, ҳаётга татбиқ этишга киришилди.

### ▼ Қонун кучга кирди

Хусусан, юқорида номи келтирилган Қонун ҳам ана шу қарор асосида ишлаб чиқилди. Илгари ширкат хўжаликлари балансида бўлган хўжаликлараро автомобиль йўлларини инвентаризациядан ўтказиш белгиланди. Улардан фойдаланиш ва фаолиятини таъминлаш туман ҳокимликлари зиммасига юклатилди. Бу жуда муҳим эди. Негаки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ширкат хўжаликлари тугатилди. Бу эса, ўз навбатида, бир пайтлар уларнинг таркибида бўлган 60 минг километрдан зиёд ички хўжалик қишлоқ йўлларининг қаровсиз қолишига олиб келди. Оқибатда, юқорида қайд этилган йўллар емирилиб, яроқсиз ҳолга тушиб қолди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бу ноқулайликлардан азият чекар, маҳсулотларини ўз вақтида ва тўкис бозорга етказишга қийналишарди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, мазкур Қонун ушбу муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, автомобиль йўлларига доир амалда бўлган Қонунга шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари киритилмаган эди. Биз тилга олаётган ҳужжатда кўчалар давлат мулки сифатида белгиланиб, улар билан боғлиқ муносабатлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилиши таъкидланди.

Йўлларни тасарруф этишнинг аниқ тамойиллари ишлаб чиқилаётгани соҳада юзага келиши мумкин бўлган барча вазиятларни тартибга солади. Хусусан, ноқулай об-ҳаво шароитида, ёнғинлар юз берганда, автомобиль йўли кўтариш қобилиятини йўқотганда, таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилаётган кезларда йўл ташкилотлари маҳаллий ҳокимият органларига бу ҳақда билдириши, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши ҳамда зарур белгини қўйган ҳолда тегишли давлат ташкилотлари билан биргаликда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаши ёки тақиқлаши мумкин. Шунингдек, автомобиль йўллари қайси юридик ёхуд жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша шахслар ажратилган минтақада иш олиб борилаётганда ҳам, агар бундай ишлар транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид қилса, йўллардаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни чеклаш ва тўхтатиш ҳуқуқига эга эканлиги янги ҳужжатда ўз аксини топди.

Тамомила янгича қарашлар, вазиятлар нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган мазкур Қонун юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришига монандлиги билан ҳам муҳим. Дарвоқе, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари тобора ривожланаётган бир шароитда автомобиль йўллари соҳасидаги ишларнинг янада такомиллаштирилиши катта натижалар бериши турган гап. Чунки анча кенг истеъмолда бўлган ҳамда синалган усул — автомобиль йўлларининг мулк муносабатларига ўтказилиши, албатта, соҳа тараққиётига замин яратади. Қонундан кўзланган мақсад аслида шу.

**Эгамберган КАРИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори.**

# ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ МАРКАЗИ



*Фарғона вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ахборот-ресурс маркази мукаммал таъмирдан чиқарилиб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Энди институт тингловчилари бу ердан интернет орқали ўзларига керакли бўлган маълумотларни, электрон дарсликларни бемалол олиш имкониятига эгадирлар.*

*Айни кунларда марказда иш қизғин. Тингловчиларни илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги маълумотлар билан тезкор таъминлаш мақсадида мавжуд адабиётларнинг электрон каталоглари яратилмоқда. Ушбу йиғма электрон каталоглар ёрдамида ахборот ресурслари бирлаштирилиб, электрон кутубхона тузилади.*

**СУРАТДА:** оператор Ойгул Юсупова.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

**23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

# Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

***Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш ишлари тобора қизғин кечмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати матбуотда эълон қилинди. Демакки, мамлакатимизда сайловолди жараёнлари янада қизғин тус олиши табиий. Айни шу жараёнда сайлов қонунчилиги юзасидан таҳририятимизга тушаётган саволлар мавзуси ҳам кенгайиб, салмоғи ортмоқда. Бугун муштарийларимизнинг саволларига Марказий сайлов комиссияси аъзоси Жанабай СОДИҚОВ жавоб беради.***

***— Номзодлар билан сайловолди учрашувлари ўтказиладиган жойларни ким белгилайди?***

— «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасидан бу саволга аниқ жавоб топиш мумкин. Мазкур моддада айтилишича, давлат ҳокимият органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

***— Сайлов комиссиялари иши қай тартибда ташкил этилади? Унинг аъзолари ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ишлайдиларми?***

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баёнига илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

...Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ, сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

***— Сайловчиларнинг имзоларини тўплаш тартиби қандай, улар кимлар томонидан амалга оширилади?***

— Ҳар бир сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўзлари кўрсатаётган номзодларини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплашлари лозим. Уларнинг сони барчалари учун бир хил, яъни республика жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизи миқдорида бўлади.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида олиб борилади. Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли.

Имзо тўплаш сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларнинг фаоллари томонидан амалга оширилади ва ҳар бир имзо тўпловчи шахс имзо варақаларидаги маълумотларнинг аниқлиги учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

# ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мафтункор табиатимиз ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилмоқда. Анжуманга ташриф буюрганлар фаол ва саргузаштларга бой ҳордиқ, экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолияти, кўплаб маълумотнома ва адабиётлар билан танишишлари мумкин.

— Хорижлик сайёҳларнинг юртимизга, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларга қизиқиши тобора ошмоқда, — дейди “Bukhara Travel and Tourism” компанияси менежери Динара Исматуллаева. — Мамлакатимиздаги гўзал маданий ва тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар, бетакрор гўшалар, айниқса, пойтахтимизда жорий йилда қайтадан барпо этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилмоқда. Бизнинг компания сайёҳларнинг қизиқиш ва хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда турли сайёҳлик дастурларини ишлаб чиқади. Шиоримиз — сайёҳларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш.

Икки кун давом этадиган ярмарка доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш борасида хорижлик мутахассислар билан фикр алмашилади ва жабҳада қатор лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов иштирок этди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ФИДОЙИ ФЕРМЕР, МЕҲРИБОН ОНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишласак, ҳаммамизни тўйдиради. Фойдаси ҳам, зиёни ҳам ўзимизники. Айтмоқчиманки, рўзғоримиз баракаси унга боғлиқ. Яхши қарасак, оиламизни бемалол тебратамиз, тўйтўйчиқларга ҳам, иморат қуришга ҳам етарли даромад топамиз, қисқаси, орзу-ҳавасларимиз ушалаверади.

«Хатича ая» фермер хўжалиги 51 гектар ерни тасарруфига олганига ҳам, мана, олти йил бўляпти. Унинг соҳиблари экинзорлар самарадорлигини ошириш учун жон куйдириб ишладилар. Опани ташвишга солган тошлар бутунлай териб ташланди, қиш чилласида даланинг ҳар гектарига 15 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилиб, ернинг қуввати оширилди. Заҳматлар натижаси ҳам тезда бўй кўрсатди. Масалан, кейинги уч йилда пахта ҳосилдорлиги гектарига 31,5 центнердан 32,6 центнерга кўтарилди. Ғаллачиликда 72 центнерлик марра эгалланди. Буларнинг ҳаммаси мўмай даромад, дегани. Даромад кўпайгани сари фермернинг дасти узаяди. Топган-тутгани, аввало, ўзи, ишчиларининг рўзғори бут бўлишига хизмат қиляпти. Бу йил баҳорда дала шийпонини 3,5 миллион сўмга сотиб олиб, доимий бошпанага эга бўлишди. Бундан ортгани қишлоқ, маҳалла ижтимоий ҳаёти учун зарур юмушларга ажратиляпти.

— Жамоамизда 32 киши меҳнат қилади, оила аъзолари билан 200 кишидан ортади, уларнинг бари худди оиламиз аъзоларидек бўлиб қолган, — дейди опанинг катта ўғли, хўжалик иш юритувчиси Тоҳиржон. — Уларсиз бу юмушларнинг уддасидан чиқа олармидик? Шу боис, рағбат ҳам меҳнатларига яраша. Масалан, ойлик маошдан ташқари ҳар бирининг омборига қишга етарли буғдой беришни йўлга қўйганмиз. Мана, бу йил давлат билан тузилган шартномадан ортган 12 тонна донни хўжалик аъзолари ва қўни-қўшниларга тарқатдик.

Ҳа, «Фермер — янги замон кишиси» деганларининг исботи бу. У — ўзи учун ҳам, ўзгалар учун ҳам бирдай жон куйдирадиган фидойи инсон. Бу, масалан, Х. Мирзаева фаолиятида ҳам кузатилади. Опа билан бирга ишлаётган Исломжон Иброҳимов уйланди. Янги оила тезроқ оёққа туриб олиши учун чорва моли бўлиши керак. Опа ёш келин-куёвга тўёна сифатида қорамол етаклаб борди. Биргина бу эмас. Кексалар ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга, мактаблар таъмири, маҳалла ободончилигига кўрсатаётган ёрдами учун қишлоқ мулкдорини доимо дуо қилишади. Фермер кейинги уч йилда шу сингари ҳомийлик ишлари учун тўрт миллион сўмга яқин маблағ сарфлади.

Х. Мирзаева — Наманган вилоятидаги қаҳрамон аёлларнинг учинчиси.

— Аёлларини ардоқлаган юрт кам бўлмайди, — ўзи эришган мақомдан кўкси тоғ бўлиб фахрланади Ўзбекистон Қаҳрамони. — Мана, Юртбошимиз Фарғона водийсига қилган сафари чоғида бир гуруҳ фермерлар билан учрашувда оила кўрки ва таянчи бўлган хотин-қизларнинг оиладаги, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги мавқеи ва фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этиб, бу масалани яна бир поғона баланд кўтардилар. Аёл ўзини бахтли ҳис этса, оила ҳам бахтли бўлади, дея таъкидладилар. Шу жиҳатдан олганда, бугун эл ардоқлаган, бахти бекам опа-сингиллар сафида ўзимга яраша ўрнимни топганимдан жуда-жуда шодман. Бундай мавқега эса фермерликни танлаб, ҳалол ишлаганим туфайли эришдим. Рўзғоримиз бутлиги, беш ўғилқизни уйлаб-жойлаб, бир-биридан чиройли иморатлар қурганимиз ҳам шундан. Шўролар даврида далага отаравада ёки тележкага осилиб қатнаган бўлсак, бугун жонажон Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган «Дамас» билан бориб келяпмиз.

Айтишадики, вилоят иқтисодий салоҳиятида Тўрақўрғоннинг ўзига яраша ўрни бор. Кун сайин кўркамлашаётган бу туман Наманганнинг пешқадам туманларидан ҳисобланади. «Хатича ая» фермер хўжалиги раҳбари Халчахон Мирзаевани туманнинг юлдузига қиёслашлари ҳам бор гап. «Ўзбекистон Қаҳрамони» мартабасига эришиб, кўксини мамлакатимизнинг олий нишони — «Олтин юлдуз» безаган меҳнатсевар фидойи аёлга бу тавсиф бежиз берилмаганлигига амин бўласан, киши.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

